

# Фикҳ дарслари (48-дарс). Исломнинг баркамол дин эканининг далилларидан бирикки дунё саодат йўлини кўрсатиб боришидир



13:50 / 29.08.2019 5220

Шайх Муҳаммад Али Собуний ҳукм оятларини тафсир қилишда ўн нарсага алоҳида эътибор берган.

1. Зарур бўлганда керакли лафзларни таҳлил қилган ҳамда тафсирчи ва луғат илми уламоларининг гапларидан далиллар келтирган.
2. Ояти карималарнинг умумий маъносини тушунарли тил ва осон услуб ила баён қилган.
3. Ояти карималарнинг нозил бўлиш сабаби бўлса, уларни ҳам зикр қилган.
4. Аввал ўтган оятлар билан кейин келган оятлар орасидаги боғланишларни ҳам айтиб ўтган.
5. Қироатлар бўйича ҳам маълумотлар берган.
6. Араб тили қоидалари бўйича ҳам сўз юритган.
7. Балоғат ва фасоҳат сирлари ҳақидаги тафсир латофатларини ҳам баён қилиб ўтган.

8. Шаръий ҳукмларни фақиҳларнинг далиллари билан зикр қилиб, улардан қай бири кучли эканини айтиб ўтган.

9. Ояти карималар иршод қилган нарсаларни кўрсатган.

10. Оятлардан чиқадиган ҳукмларнинг ҳикматларини ҳам эслаб ўтган.

«Равоъул баён фий тафсири оятил аҳком минал Қуръон» китоби сўнги пайтларда энг кўп чоп қилинган китоблардан бири ҳисобланади. Ушбу сатрларнинг котиби ўтган милодий асрнинг саксонинчи йилларининг иккинчи ярмида «Равоъул баён фий тафсири оятил аҳком минал Қуръон» китобини Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом Маъҳади ўқув барномасини янгилаш жараёнида тафсир фанидан дарслик қилиб киритиш ва ундан дарс бериш шарафига муяссар бўлган эди. Кейинчалик бу китоб баъзи бошқа жойларда ҳам дарсликка айланди.

«Равоъул баён фий тафсири оятил аҳком минал Қуръон» китобини «Эҳёул Туросил Арабий» нашриёти ҳам чоп этган.

Замон ўтиши билан, ҳаётда пайдо бўлган ўзгаришлар туфайли, аввал бўлмаган вазиятлар келиб чиқиши оддий ҳақиқатдир. Исломнинг баркамол дин эканининг далиллари билан бири ҳам унинг барча замонлар ва маконларда одамларга икки дунё саодат йўлини кўрсатиб боришидир. Бу ҳақиқат айнан фикҳда намоён бўлади. Фуқаҳоларимиз доимий равишда мусулмонлар ҳаётида пайдо бўлаётган янгиликларни ўрганиш билан бирга, уларга оид диний масалаларни ҳам ечиб келишган.

Ана шу қоида асосида, вақт ўтиши билан, қадимги фақиҳларимиз китоб ёзмаган мавзуларда ҳозирги фақиҳларимиз бир қанча асарлар ёздилар.

***«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан***